

ЗОЖИР АБДУЛМАЖИД

ТЕРАКЗОР КҮЙЛАРИ


Шеърлар

**Тошкент
«Янги яср авлоди»
2005**

84(55) 6-5 Ғадиий адабиет

Ушбу тўплам ёш қаламкаш Зокир Абдулмажиднинг ташриф қогози. У бегубор болалик, она меҳри, муҳаббатининг азоб ва армонлари, орзу ва умид ҳақидаги муроҳадаларини, қалб туйгуларини шеърхонлар билан ўртоқлашишмоқда. Ўйлайтизки, ёш ижодкорнинг илк машқлари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

HO 31213
0g,



W

ISBN 5-633-01724-2

© Зокир Абдулмажид. «Теракзор куйлари».
«Янги жр авлоди», 2005 йил.

ЎЗБЕКИСТОН

Юртим, зар тупрогинг оловланмоқда,
Тангрига шукрлар бўлсин беадад.
Кўзларимда ёшим қалқиган чогда,
Сенинг дийдорингдан олурман мадад.

Сендан балқиётган меҳр ва шафқат,
Азалдан жаҳонга таратган зиё.
Гўзал юрг десалар ҳеч сўзсиз, албат,
Сени тан олиши муқаррар дунё.

Булоқлар тиниқлик рамзиdir, аммо,
Сен ўзинг энг тиниқ ёғду сеҳр-файз.
Сенинг қучогингда Кеш, ҳам Бухоро,
Сендадир Навоий, Нодираи Вайс.

Сен ахир, буюклар маскани азал,
Ёшларинг қанотинг, эртанг эгаси.
Дунёдай меҳмондўст, эй қадим ҳалол,
Ўзингсан, она юрг, дўстлик нафаси.

Сўрсалар, шеърият султони кимдир,
Зиёси таралгай қайси томонда?
Ўшал сўнмас сиймо султон Алишер,
Авлоди яшайди ЎЗБЕКИСТОНДА.

ҚИЗЛАРГА

Қара, ўригимиз чиқарар куртак,
Оlamни гулига ўрамоқ учун.
Боққыл, дарахтларда қушлар жонсарак,
Нур эмган новданинг ўпид қулгичин.

Боқ, бу тонг кўкламнинг хаёли гулгун,
Жонга бахш этмишдир ишқ баётини.
Насим — ilk баҳорнинг нашъаси бугун,
Келтирмиш дилларга кўклам тотини.

Қара, йигитларнинг дилида гулу,
Ҳеч боқиб тўймайди гўзал чиройга.
Бугун гунчалар ҳам кун каби сулув,
Юзини очибди кўз-кўзлаб ойга.

Бу юрак бўлмади қанча куйдан маст,
Қанча алдамади гаройиб ҳислар.
Ўрик-ку гуллабди, булар бизгамас,
Ҳатто жонимиз ҳам сизники, қизлар.

ОРЗУ...

Субҳидам. Тонг. Оппоқ орзулар,
Кипригимда намлана қолдинг.
Шудрингдайин томчи туйғулар,
Борлигимга ўчмас из солдинг.

Ай, бегубор тўкилган тилак,
Сенсан дилнинг илҳом, сурори.
Муҳаббатдан яралган юрак,
Сен пекиза вужуднинг нури.

Туғилдиму, сенда нигоҳим,
Сен борсанки қалбимда оташ.
Не тонг, Мажнун айласа оҳим,
Оразини қизғонгач қуёш.

Оқшом чўкиб шафақнинг ранги,
Тун қўйнида дилга ботади.
Лекин сен бор, ҳар сафар янти,
Оппоқ бўлиб тонглар отади.

* * *

Сен муҳаббат күшкىнинг ойи,
Кимлар сенга күнгил қўймаган.
Ким ишқингда ошиқ девона,
Кимлар хаёл қилиб тўймаган.

Сен меҳрдан яралган пари,
Интиҳосиз, чўғланган хаёл.
Сенки эртак, сўнмас ақида—
«Сен барибир муқаддас Аёл».

ЮРАК ВА ОСМОН

Осмон, осмон, қўлим етмас,
Йироқлашиб кетибсан.
Ризо айлаб жоним эмас,
Юрагимни олибсан.

Талпинаман сенга томон,
Мана, кўксим нишондир.
Ялинаман сенга, осмон,
Юрагимни қайтиб бер.

Солиб қўйдинг айт не кўйга,
Меҳри ёниқ тобоним.
Қайтиб бергил, ҳазил йўйма,
Юрагимни, осмоним.

Бўлмаса, ҳам гар у шодон,
Унга, меҳрим бўлакча.
Айт, не керак сенга, осмон,
Севилмаган юракча.

Тунда ой, сенда уни,
Кундуз қуёш кўрибди.
Бериб юбор юрагимни,
Қизлар сўраб юрибди.

ОҲУЖОН

Қора кўзли оҳужон, айт, қаерда маконинг,
Изинг япроқ яширди, шуми эди топганинг.

Сўқмоқлар тўла ҳижрон, манзил йироқ ҳайронман,
Нигоҳларим бойланган, дили ярим, вайронман.

Орзулари эй осмон, дилни қандоқ юпатай,
Гул дейинму қўнглимни ё севгилим деб атай.

Азобда ёқмоқ осон, кўзинг сузиб боқасан,
Куйиб турган дилимга, нега ўтлар ёқасан.

Етолмайман санга ман, камалақдай товландинг,
Айро тушдимми ё сен чорлабму оловландинг.

Етишмоққа минг довон, азобимни билсайдинг,
Бир бўса ваъда айлаб вужудни элитсайдинг.

Ғам бизни топдимикан, киприкларинг нега нам,
Ахир, диллар яйрасин, кўп эди унда ситам.

Нега жимсан, меҳрибон, кел, қочайлик узоққа,
Бизлар асир бўлмаймиз фироқ отли тузоққа.

Гул гувоҳдир ёрижон, номим, шоним сеники,
Сенинг эса лаб буриб, кулишларинг меники.

Бу дунё гулгун ишон, биз севишдан қўрқмаймиз,
Бизни ёмон деганинг кўчасидан ўтмаймиз.

Қора кўзли оҳужон, сирга тўлуг бу ҳаёт,
Бир кун баҳтиёр айлаб, юз очади муҳаббат.

МУҲАББАТ

Муҳаббат, оловли муҳаббат,
Сўймайин, кўйдириб кетганим.
Умрим бор бир сени то абад ,
Хаёлдир васлингта етганим.

Кечиргин, эй пари, кечиргин,
Ишқингда гадога айлансанам.
Қалбингдан бор бўйи ўчиргин,
Ўзга бир юракка бойлансанам.

Йиглатиб кетасан ўзингни,
Чеҳрангда ой ботар, бу не ғам.
Севаман, дейману кўзингни,
Уялиб кетаман севгидан.

Кетдингу кўзларда ёш дарё,
Эй, меснинг энг ширин тилагим.
Қандайин кўргилик бу савдо,
Муҳаббат, сиймтан малагим.

Чек қўйгум истасанг барига,
Хотира қолмайди, ким билар.
Лекин дуч келсам сен парига,
Қувончдан юрак тарс ёрилар.

КЕЛАР

Сенинг армонларинг бисёрдир, юрак,
Лек орзу қўлига осилгинг келар.
Момақаймоқларнинг сочидай енгил,
Кўкда ифорланиб сочилгинг келар.

Сен на уммон ва на чашмаи зилол,
Қумли қирғоқларга тошилгинг келар.
Битта малак қизнинг ноз кипригига,
Ўргилиб севинчдан ёш илгинг келар.

Шу буюк муҳаббат, ишқ бозорида,
Висолга етмоқ учун сотилгинг келар.
Бесўроқ, ғалаён қилиб дунёни,
Унутиб ўзингта отилгинг келар.

* * *

Киприкларинг бунчалар узун,
Боқиб ҳайрон фалакнинг ўзи.
Ой юзингта боқар ойли тун,
Осмонининг Ҳулкар юлдузи.

Қирқ ўримдир бу сочлар тарам,
Яширади йўғу борингни.
Сен Лайлисан, Мажнун бўлиб ром,
Танҷо кезган ишқ диёрини.

Сен ўшал қиз Ойбарчин, барно,
Қўнғиротлик Алпомишга ёр.
Сен меҳробда соч ўрган Раъно,
Изларингни ошиғи Анвар.

Ё малаксан, нигоро дилбар,
Жамолингдан уялар кўнглим.
Тугишмаган бўлсанг ҳам, эй ёр,
Бўлақслгин беозор синглим.

КҮЗЛАРИНГНИ ...

(сонет)

Күзларингни унудим бугун,
Эслолмадим шұх кулишларинг.
Унудилди лаб буришларинг,
Кечирилди гуноҳинг нечун.

Истар эдим күпприкларингга
Маржон ёшдай сачраб қуйилсам.
Қабоқларинг бўлиб уюлсам,
Айлансан дил кўприкларингга.

Сочинг силаб ўримин ечсан,
Жавдираса мунчоқ кўзларинг,
Дердим: сўнг ишқ шаробин иссан.

Айбинг нима, сени унудим,
Нега олов бўлди козларинг,
Билолмадим, хайр... мен кетдим.

ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

Осмон узоқ, ер қаттиқ, эртаклардан уйғондим,
Сизнинг ишқ ҳақда битган куйингиз бирла ёндим.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, юрак тұла ҳаяжон,
Қучай дейман, ерим йүқдир, тутай десам, йүқ осмон.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, кенг ишқ отлиқ ёбоним,
Ёмонимга муштоқ дилим, лекин йүқ-ку ёмоним.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, құлым калта, құчмайди,
Нега менинг орзуларим осмонларга учмайди.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, күксим ёниб бормоқда,
Дүстим дея юрганларим сұягимни ёрмоқда.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, сиздан нима сўардим,
Бўлса агар икки юрак, бирин сизга берардим.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, кетаяпман, хайр денг,
Юрагимни фаришталар хуршидга элтиб беринг.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, кўзларимга дунё тор,
Сотар бўлсан юрагимни, бўлмайсизми харидор.

Осмон узоқ, ер қаттиқ, ё яшамоқ, ё тақдир,
Мендан ранжима, эй гул, сенга меҳрим бўлақдир.

БОҒ САЙРИГА

Келгил, боғ сайрига, тушганда туман,
Ёмғир ёққанида кел, яна такрор.

Келгил, юрагимни айлаб ёсуман,
Пойингда жонимни этайин нисор.

Келгил, эҳтиросли бўсага тўлиб,
Энтикиш ўргатиб юракка, эркам.
Келгил, бу дунёга тўйиб термулиб,
Сўнг, майли, кетамиз, қайга десанг ҳам.

ХАЙР...

Хаёлимда чақирдим сени,
Панжарага сұяниб олиб.
Сүнг хонангда нилуфар гулни,
Күрдим, қучди бирор уялиб.

У сен, дедим қылмадим гина,
Күнглім «Кім?» деб бермади савол.
Юпанмади фақат биргина,
Зор юракқа чүкканча малол.

Чироқ үчди ва ёнди такрор,
Кімдір сочиқ силкітди аста.
Дедим, сочин ювди қай ділдор,
Боқиб, бунда дил яна хаста.

Кімдір пиқ-пиқ йиғлади, «Елғон,
Севади у мени ҳали ҳам».
У ҳам сен, деб ўй сурдим инон,
Юрагимдан йиғладим мен ҳам.

Кім у, күзгу банд қылған шу тоб,
Ҳарир парда, сочин тараар кім.
Үқиётган кім, қандай китоб,
У кимлигинг яширди, гулім.

Ва сүнгги бор, үчди чироғинг,
Хаёл ичра юмилди күзлар.
Сүнг соchlаринг дарёдай оқди,
То тонгтача чўмилди юзлар.

ЭРТАГА

Юрагим, эртага топамиз бирга,
Юзи гул, онаси ўпмаганидан.
Богдаги гуллардан сўраймиз бир қиз,
Кўзидан сурмаси кетмаганидан.

Тўлин оймомодан сўраб кўрармиз,
Илтимос қиласиз шаррос ёмғирдан.
Зулфига ҳеч кимнинг қўли тегмаган,
Бир малак — юраги яралган нурдан.

Қадди санувбардир, киприклари ёй,
Қошлари камондай турса эгилиб.
Бизни севар ўшал пари сувратнинг,
Сочини шамоллар ўйнасин келиб.


Чеҳрасин парилар этсинлар орзу,
Малакларга кўзгу бўлсин юзлар чўғ.
Райдон бўйларини таратса ҳам тонғ,
Ҳали кўрган эмас бундай кўзи шўх.

Эртага топамиз куйма, эй жоним,
Бир дилдор, онаси ўпмаганидан.
Юрак совчи бўлар топамиз, албат,
Ўн саккиз ёшига етмаганидан.

ҲАЗИЛ

Хаёлларда фақат бир тунда,
Висолингни йўлидан ўтсам.
Рози эдим, палахмонингга
Тошлил бўлиб отилиб кетсам.

Тушим змиш, киприкларингда
Эркаландим ёшларинг бўлиб.
Кўзим очсан, ишқим дорингда,
Кетолмайман энди қутулиб.



МЕН СЕНИ СЕВАМАН...

Мен сени севаман күйлаб булбулдай,
Илк баҳор гулидан дилга ўт ёқиб.
Мен сени севаман тўзғиган гулдай,
Қоялар бўйнига туморлар тақиб.

Мен сени севаман энг сўнгти умид
Липиллаб юракдан ўчганида ҳам.
Мен сени севаман чўчиб, бемаврид,
Мингта фаришта, юз ҳур ёнида ҳам.

Мен сени севаман узун соchlари
Қирғоққа етмаган мажнунтол бўлиб.
Мен сени севаман кўзим ёшлари
Найза киприкларга маржонлар илиб.

Мен сени севаман кўкда бир чақноқ
Ёниб ўчолмаган юлдузлар қолиб.
Мен сени севаман ялтироқ чақмоқ
Юзини яширган ойдан уялиб.

Мен сени севаман юзини тўсиб
Ором истаётган бедор қўнгилдай.
Мен сени севаман лабингдан чўчиб
Япрогин қизғониб, очилган гулдай.

МЕН ЯШАЙМАН

Мен яшайман бир малакнинг бори учун,
Кипригидаги суйкалгучи зари учун.
Дийдоримни соғингучи пари учун,
Мен яшайман азобларга тўйиб-тўйиб,
Ҳайронаман, нега қолдим сизни суйиб.

Мен яшайман кўнмай дилнинг воласига,
Юрак илиб соchlарин бир толасига.
Қулоқ солмай энди кўнглим ноласига,
Мен яшайман соғинчимни уйиб-уйиб,
Ҳайронаман, нега қолдим сизни суйиб.

Мен яшайман шу чўлпона кўзлар учун,
Қошларини ўсма ўрган қизлар учун,
Ўн беш кунлик ойдай тўлин юзлар учун,
Мен яшайман ҳижронларда куйиб-куйиб,
Ҳайронаман, нега қолдим музни суйиб.

САЛОМ

Салом, севги, сенга муҳаббат
Деган гүзал туйғудан салом.
Салом сенга малак юзлардан,
Сенга шодон күлгудан салом.

Потила соч, чүлпон күзлардан,
Сенга салом, эй, ўтли юрак.
Ҳайрати ўт, эй оташин қалб,
Сенга салом, мендан муборак.

Сарвиқомат дилраболардан,
Салом сенга, жоним муҳаббат.
Ўқтам ўғлон юраги билан,
Салом, такрор бир сенга фақат.

ТУН

Хаёлга ҳокимсан, ёлғыз ўзинг бир,
Сен, эй, қора туним, фусункор оқшом.
Бугунги кунни ҳам айладинг зикр,
Муборак айладинг ўтган кунни ҳам.

Субҳидам кутади ҳар тонг интизор,
Шаънингга такбирлар ўқишини беҳол.
Софинган ҳам ўша бир сени бедор,
«Гашбеҳга тушмайди аслида бу ҳол».

* * *

Соғинтириб дарёларнинг этагини,
Соғинганман болаликнинг эртагини.
Мен ҳам бебош эдим кеча ҳеч гал уқмас,
Бугун шўхлик тарқ айлади юрагимни.

Кўкламойим эди менинг сирдошгинам,
Йигирмадан ўтиб кетди эҳ ёшгинам.
Энди менга бесамардир севишишмоқлик,
Тамом бўлди сизга деган бардошгинам.

Юриб-юриб оёғимдан қариидим мен,
Орзуда йўқ армонларда мен бор эдим.
Осмон бўлиб босса ҳамки армонингиз,
Лекин орзу қилиб тунлар бедор эдим.

Ёлғончилар, дилни топтаб, нима топар,
Ўткинч чирой, ўтар бир кун, оқ соч ёпар.
Азоб қилдим, юрагимга...нима ўйлов,
Э, ухлайман, тонгда мени гул уйғотар.

* * *

(X.2a)

Шўх кўёлар алдаса, майлига, мени,
Чўғ юзлар алдаса, майлига, мени,
Айтмасдан юракнинг ойига сени,
Мен сени барибир севиб яшайман.

Аразлар қилсанг ҳам чидайди юрак,
Аммо соғинишин қўймайди юрак,
Келурмикан минг бор сўрайди юрак,
Мен сени барибир севиб яшайман.

Кипригингда ёшдай қалқиб бўлса ҳам,
Ёшинг дарёсида оқиб бўлса ҳам,
Юракни илондай чақиб бўлса ҳам,
Мен сени барибир севиб яшайман.

Севгимни соchlаринг дорига қўйиб,
Исмингни кўксимни зарига ўйиб,
Насби висол йўғу ҳижронда куйиб,
Мен сени, эй гулгун, севиб яшайман.

ҲАСРАТ

Оқ чекма, шундогам ўртанди кўнгил,
Шундогам қуёшим узоқроқ ботди.
Унутилган юрак, тўзғитилган гул,
Хайр... демоқликка лабларим қотди.

Йиллар нафасидан улгайиб борар,
Энг қутлуғ муҳаббат, оташин севги.
Кимнинг юрагига ўт солди дилдор,
Қай малак кўзларин яширди кулгу.

Табассумга интиқ аёл зотининг,
Биргина арази йўқотса барин.
Истардим Ленара рапкчи хотиннинг,
Қайтадан ёқмоқни ишқ гулханларин.

Ҳайрат бегонадир бизга мутлақо,
Кўнгил деганлари буюк, муқаддас.
Садоқат бозорда топилмас лиқо,
Интизор бўлмоқлик абадий эмас.

БАҲОР

Баҳор, муҳаббатим забони бўлиб,
Сўйлаб бер, гунчанинг муҳаббатини.
Баҳор, муҳаббатим шўх сози бўлиб,
Куйлаб бер куйларнинг энг сарасини.

Куйла, сирларимни очиб ташлайин,
Куйла, муҳаббатдан тинглайн достон.
Куйла, ганимларим бўзлаб йигласин,
Куйла, ер йигласин, йигласин осмон.

Баҳор, сен яралдинг куйламоқ учун,
Куйлаб бер, булутлар тўкишсин кўз ёш.
Куйла, кўнгил деган ҳовурдан тушсин,
Куйлайвер, юрагим беролса бардош.

НАВРҮЗ

Хайрият, бөгимга келмоқда баҳор,
Дарахтлар гунчасин этади кўз-кўз.
Тонгнинг қучогида қушлар ҳам бедор,
Ажабким, элимига келмоқда Наврӯз.

Кел, эй меҳрибоним, бўлиб меҳмоним,
Ташриф эт, шу суюк останамизга.
Чимдим баҳт ато эт, эй, менинг жоним,
Она Ўзбекистон кошонамизга.

Биз сени кутганмиз, кутамиз тугал,
Эй, сен кўкламойим, муҳаббат фасли.
Таъзим этажакмиз ҳар недан аввал,
Сенга севги фасли, ҳарорат фасли.

ОНАМГА

(*Онам Саид ая Шукур қызыга*)

Түғилған еримдан йироқлаб кетдим,
Ёзилған қисматдан ненидир кутиб.
Фақат бир нарсани зориқиб күтдим,
Онажон, меҳрингни, баҳтни унутиб.

Онам, қиблағоҳим, ҳақдир, ноҳақдир,
Хаёлга кўмаман кўҳна дунёни.
Насиб этмагандага шумгина тақдир,
Бошимга солмасдим бунча ғавғони.

Айт, нега юзларинг сўлғиндирип яна,
Ўйлајапсан маъюс қандай савдони.
Қўйигил, оқшом чўқди ором ол, ҳарна,
Унутарсан ташвиш тўла дунёни.

Малҳам бўлай дейман, эй меҳр кўзим,
Ҳатто ўйимнинг ҳам етмас қадами.
Бошим қўйгим келар тиззантга бир зум,
Тополмайман сендай мунис онани.

Майли, ўтаверсин йиллар тўзони,
Кунлар олса, майли, ёшлик виқорин.
Аммо сенинг меҳринг дунё сўзони,
Куйлар чертиб абад муҳаббат торин.

* * *

Хазонлар ёпмоқда ўтган йўлларни,
Поёндоз тушмоқда қадам-бақадам.
Эртакка айланиб борар бугунча
Кўзлардаги шодлик, диллардаги ғам.

Сунъий кўллар қуриб борар, басма-бас
Дараҳтлар кийимни ташлайди обдан.
Лекин ташбеҳ эмас, бунга минг сатр
Ҳадя этмоқлик ҳам энг сўнгти армон.

Хаёл чуваланиб кетар сўқмоқдай,
Кулфатга улфатдош бўлар туйғулар.
Бугунча яшаймиз, алҳол эртага
Яшаш ҳам ёқмайди, паймона тўлар.

Суврат-сийратингта ташлайман назар,
Олтин товланишдан қамашмоқда кўз.
Манзилинг бўлса ҳам шу қадар йироқ,
Бир муддат қол бизда, жоним олтин куз.

ЁМГИР

Ҳали ёғаётир боғларда ёмғир,
Астагина мудраб тушмоқда туман.
Дараҳтлар жунунваш, ҳорғин олар тин,
Япроқлар ер узра ёшар дастурхон.

Кўзлар қамашмоқда оловранг бу ҳол,
Дилларда бир учқун... ўт олар таниш.
Кўксимда ҳеч сўнмас бир ёлқин сочиб,
Яна мусаффолик қилар уйғониш.

ТОШКАНДА... ТОНГЛАРНИ СОГИНДИМ

(М.Юсуф шеърига ўхшатма)

Тошканда... тонгларни согиндим,
Нина тиконларни согиндим.
Атлас қўйлакларда юрган шўх,
Қопи камонларни согиндим.

Райҳон шоҳин қучоқлаб олган,
Оппоқ мезонларни согиндим.
Боссанг ғичир-ғичир талотўп,
Барги хазонларни согиндим.

Сочлари оқ, оппоқ рўмолли,
Мен онажонларни согиндим.
Тонглар туриб қуёшни кутган,
Офатижонларни согиндим.

Сомон йўли, тиниқ феруза,
Юлдуз фишонларни согиндим.
Тол хивичдан ясалган камон,
Эгилган онларни согиндим.

АЁЛЛАР...

Аёл сийратини билмайди ҳеч ким,
Доимо қради ташвишга ботиб.
Кўксидан минг битта дарди бор, тегманг,
Ухламас юзлари болишга ботиб.

Бир қўлда супурги, челакни излаб,
Яна ташвишлари ҳадсиз, зиёда.
Айт, шунча ўй билан ким юрар эди,
Аёл бўлмагандага агар дунёда.

Она мўътабарсан, азизсан, буюк,
Тиз чўксак арзиди пойингта сенинг.
«Пари» изламайлик дилга зракклар,
Ахир, нимаси кам аёл меҳрининг.

ОНАЖОН

Ёнингизда негадир бугун,
Қолгим келяпти, онажон.
Тиззангизга бош қўйиб нафас,
Олгим келяпти, онажон.

Зор-зор йиглаб дунё ғамларни
Тўкким келяпти, онажон.
Армонларим кўзин ёшига,
Бўкким келяпти, онажон.

Лаҳза умр қўргонларини,
Бузгим келяпти, онажон.
Меҳрингизнинг дарёсида жим,
Сузгим келяпти, онажон.

Согинчи йўқ юзим сиз томон,
Бургим келяпти, онажон.
Жаннат уйда сиз билан узоқ,
Юргим келяпти, онажон.

Ёнингизда негадир бугун,
Бўлгим келяпти, онажон.
Толбешикка бошимни қўйиб,
Ўлгим келяпти, онажон.

КҮКЛАМ

Бинафша кулишни сендан ўрганган,
Қизғалдоқ чеҳрангдан ранг олгани рост.
Нүксу чиройингта ҳаваслар қилиб,
Бугун ифорингдан момақаймоқ маst.

Айт-чи, у сенмасми, сармаста шамол,
Ёнингда ўтганда тин олган бирпас.
Сенмасми, қизғалдоқ бўйнидан қучиб,
Бир ажиб яралган ўтли эҳтирос.

Бахтни қуйлаётган, лолақизғалдоқ,
Нишона эмасми, ташрифингдан ё.
Гулгун жамолингдан маst бўлса, не тонг,
Хусну латофатта тўла бу дунё.

ОТА

(*Отам Абдумажид
Маҳмадўст ўғлига*)

Ота, соchlарингиз қачон оқарди,
Қачон ажин босди юзларингизни?
Қабул айланг таъзимда бошим,
Ўпайин эгилиб изларингизни.

Бехосдан уйғотиб қўйганда баъзан,
Дейсиз, тўхта, болам, дам олай бироз.
Совқотдим, устимга ёпиб қўй чопон,
Сўнг дейсиз яшагин, ўглим, бегараз.

Ота, туриңг, ота, вақт алламаҳал,
Тун ҳам яримидан оғиб кетди-ку?!

Жон болам, ётавер ўзинг бемалол,
Ахир, чорак умрим шундай ўтди-ку?!

Яратганга шукр, бағримиз бутун,
Сиз билан боримиз кўрамиз баҳам.
Ажаб, юлдуzlари чақноқ ушбу тун,
Сизга умр тилаб турсин тонгда ҳам.

БИНАФША

Мен сени қиши бүйи соғиниб келдим,
Хазонларни кечиб оғриниб келдим.
Дардимни достонлаб ёриниб келдим,
Соғинчга харидор, гулим бинафша.

Келақол, юзимга юзинг босайин,
Соғиниб кетяпман соғинган сайин.
Бүйингни келтирди шамоллар майин,
Соғинчга харидор, гулим бинафша.

Оппоқ қар қучогим түлдиролмайды,
Кечиксанг күзларим күтиб толмайды.
Кетсанг ҳам сен гүзал күнглим қолмайды,
Соғинчга харидор, гулим бинафша.

Мен сени қиши бүйи соғиниб келдим.

БАҲОР

Тоғлар нафасини келтириб бунда,
Баргхазон боғларда йиглар оппоқ қор.
Инжу музликларга меҳру вафодан,
Софинчли эриниб шивирлар баҳор.

Қор кечиб, чечаклар қўумсаб, энтикиб,
Истаймиз дунёга эзгулик бу дам.
Кўзларда қувончу юзларда соғинч,
Үйғониш фаслига қўямиз қадам.

* * *

Дўстлар кам, ғанимлар тўп-тўп кўпаяр,
Бемаврид туғилган қора қарғадай.
Матлабга эришсанг олдингда борар,
Ўзларини тутиб олим, дарғадай.

Улар хушомадни майин сипқориб,
Пашадан фил ясаб сотгувчилардир.
Нафинг тегса агар изингдан бориб,
Остонангни ялаб ётгувчилардир.

АЙТИШУВ

**Бой ила камбагал орасида фарқ,
Сўрсалар айтардим: танга-пул озроқ.**

**Суврат ила сийрат гузал қай бири,
Дердим: иккиси ҳам оламнинг сири.**

**Қарилик ёшлиқдан нима фарқ қиласар,
Дердим: маъни билан яшамоқ даркор.**

**Пок билан нопокнинг ўртаси қанча,
— Англамоқ керакдир умр етганча.**

**Кундузнинг туналардан фарқи нимадир,
— Икков икки ёқли битта кемадир.**

**Жаннат, дўзах қайси кўнгил шами
Дердим: буларсиз йўқ ҳаётда маъни.**

**Бу дунё, айт, қачон яралган деса,
— Билмам, билолмагум, Худо билмаса.**

АЙТИНГ

Айтинг, не истайсиз мендан, азизим,
Нимага бунчалар қиласиз қистов.
Сўраманг юракни мен... сотиб қўйдим,
Ахир, битта эди эгаси олов.

Дилим армонларга тўлгани камми,
Яна не истайсиз гапиринг, ўртоқ.
Умрнинг ярмини дард згаллади,
Қолганига ҳоким висол ё фироқ.

ЮЛДУЗЛАР ҲАҚИДА

Юлдузлар чамани — самои азим,
Айт, қачон бўлади кўксинг бус-бутун.
Турфа хил нигоҳлар мужассам сенда,
Минг бир хил товланиб турганинг учун.

Юлдузлар макони, қўл етмас чексиз,
Бўшлиқларга сингиб кетган эй олам.
Меҳру муҳаббатни улашганингда,
Ўзинг билғанимидинг борлигини ғам.

Юлдузлар маскани ҳайратга тўлуғ,
Айт, чигал ишлардан тўларми кўнглинг.
Бунда разолатнинг кўллари узун,
Не учун очиқдир бидъатга йўлинг.

Олиб кетинг мени соф юрак билан,
Фикрат уйларига берайлик зарҳал.
Магар гуноҳ бўлса қаватма-қават,
Савоб ҳам қиласайлик, бас, шундай маҳал.

ОРЗУ

Яна оқшом чўкса боғларга хиёл,
Ҳукмрон бўлса тун борлиққа бутун.
Тарқовчи тумандай сармасту беҳол,
Оlam ҳам ўй сурса беовоз, беун.

Асрни йиглатса бир куз оқшоми,
Кундузлар бўлакча ўтса-я бунда.
Ўтказсанг умрингни лаҳза бир онин,
Қувончларга тўла шундай бир тунда.

Йўлаклар кўмилса япроқлар билан,
Кулгуга бойланса сўнг ғамгин қарош.
Гулбаргнинг лабида покиза шабнам,
Жилмайиб гул сирин айлаб қўяр фош

* * *

(айрим кимсаларга)

Тұұмат балосидан, ўт балосидан,
Асрагин, ё Аллоҳ, дейсан жавоб шул:
Агар туұмат қылса сенга бир нодон,
Кабири гуноҳнинг ўчогида ул.

Унга парво қилма, у сенга азал,
Адоват сақларди чиркин қўнглида.
Назар қил, туұматдан кунини қўриб,
Итдай ўлиб кетар азоб чўлида.

Дўст борки, шукронада айтар борингта,
Дўстлар бор, бел бўлмас эл заҳматига.
Насиб этса умр ўтгунича то,
Дуч келма, биродар, дўст туұматига.

ИНСОФ БИТАРМИ

Емирилиб борар төглар пурвиқор,
Андорлар тескари оқиб ўтади.
Чаманлар қовжирап, түкилади зар,
Қачон сендейларга инсоф битади?

Йўллар ютиб қолар атиrlар ҳидин,
Майсадан хушбўйлик, билким, кетади.
Туби кўринади йўқлик сарҳадин,
Қачон сендейларга инсоф битади?

Гуллар айланади тиканакларга,
Аммо бўйларини сочиб ўтади.
Забон битиб қолар кўрнамакларга,
Қачон сендейларга инсоф битади?

Бандамиз-ку ахир, эмасмиз шайтон,
Бахтлилар, бахтсизлар манзил етади.
Қарорин топажак адолат, имон,
Қачон сендейларга инсоф битади?

Рангдор сирли оlam очмагай сирин,
Хоҳ шоҳ бўл, гадо бўл, даврон кетади.
Адл қўргонин ҳам тикламоқ мумкин,
Лекин сенга қачон инсоф битади?

ФУРУР

Онам бир сўзини тақрор айтарди:
Илойим, йигитнинг ризқи бўлсин бут.
Не истаса бажо йигитнинг марди,
Ҳеч ҳам ўтган кунни қилмагай унут.

Отам бир сўзини айтарди тақрор:
Бут бўлсин аввало йигит иймони.
Рост виждан юксакда илинган тумор,
Фурур йигитликнинг шарафи шони.

Мен ҳам тақрорлайман, бир сўзни, дўстим:
Умрингни ёритсин, ростгўйлик шами.
Мабодо йиқилсанг елкаман ўзим,
Айт, бехос қоқилсам сен ҳам елками?

ТҮРТЛИКЛАР

Бу зот очиқ күнгил, бунисин эса
Ичи социдан ҳам қорайиб кетган.
Анов диёнатли, унисин эса
Күчасидан фақат хиёнат ўтган.

* * *

Биз андак ҳаётни тушуниб қолдик,
Ва андак балога етиб ақлимиз.
Азалдан яшашнинг маънисин билмай,
Гаранг бўлар умр деган нақлимиз.

* * *

Биз юрган йўлларга тушмоқда ҳазон,
Кўмилиб бормоқда сўқмоқли тақдир.
Минг ташвиш, минг битта ғам-андуҳ билан,
Ўтиб бормоқдадир бизнинг ҳам умр.

* * *

Унда умр бир карвондир вақт эса сарбон,
Фақат ундан қолиб кетганинг, абас.
Нақлким: бевафо дунё камига,
Ўткинчи юз умринг етмас дўстим бас.

* * *

Сўнгги пушаймондан ўзингни асра,
Тушмайин гулдайин умрингта ҳазон.
Ўтган ҳар лаҳзангни тургин варақлаб,
Душман бўлмасидан сўнгги пушаймон.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон	3
Қизларга	4
Орзу ...	5
«Сен мұхабbat күшкінинг ойн...»	6
Юрак ва осмон	7
Охужон	8
Мұхабbat	9
Келар	10
«Киприкларинг бунчалар узун...»	11
Кўзларингни ...	12
Осмон узоқ, ер қаттиқ	13
Боғ сайрига	14
Хайр	15
Эртага	16
Ҳазил	17
Мен сени оснаман..	18
Мен яшайман	19
Салом	20
Тув	21
«Софинтириб дарёларнинг этгини..»	22
«Шўҳ кўзлар алдаса, майлига, мени..»	23
Ҳасрат	24
Баҳор	25
Наврӯз	26
Онамга	27
«Хазонлар ёпмоқда ўтган йўлларни ..»	28
Ёмғир	29
Тошканда.. Тонгларни соғиндим	30
Аёллар...	31
Онажон	32
Кўклам	33

Ота	34
Бинафша	35
Баҳор	36
«Дүстлар кам, ғанимлар түп-түп күпаяр...»	37
Айтишүү	38
Айтинг	39
Юлдузлар ҳақыда	40
Орзу	41
«Түхмат балосидан, ўт балосидан...»	42
Инсоф битарми	43
Фурур	44
Түртликлар	45

Адабий-бадиий нашр

ЗОКИР АБДУЛМАЖИД
(ПАРДАЕВ)

ТЕРАКЗОР КУЙЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир А.САИД
Бадиий муҳаррир Б.БОЗОРОВ
Мусаҳдиҳ Д.МИНГБОЕВА
Тех.муҳаррир Е.ДЕМЧЕНКО
Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ № 4021

Босишта 5.04.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоги 1,5. Шартли босма тобоги 2,52.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 83.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.